

Хитой Тайпейда енгил атлетика бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда дунёнинг ўн етти мамлакатидан келган спортчилар голиблик учун куч синашди. Нуфузли халқаро мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган енгил атлетикачиларимиз тўртта олтин медални қўлга киритди. Любовь Перепелова 100 ва 200 метрга югуришда тенгсиз эканини исботлаб, иккита олтин медал соҳибаси бўлди. Терма жамоамиз ҳисобига яна иккита олтин медални Замира Амирова ҳамда Анастасия Журавлёва келтирди. Замира Амирова 400 метр масофани биринчи бўлиб босиб ўтган бўлса, Анастасия Журавлёва уч хатлаб сакрашда 14 метр 40 сантиметр натижа кўрсатиб, шахсий рекордини ўрнатди ва олтин медалга сазовор бўлди. (УЗА)

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 31 май, сешанба № 86 (1927)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси И.Кочмарик бошқарган йиғилишда ушбу кодекс ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга ошириладигани таъкидланди. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан далолат берувчи тарихий ва мейморий ёдгорликларни авайлаб-асраш ва муҳофаза қилиш шаҳарсозлик соҳасидаги муҳим вазифалардан эканлигига эътибор қаратилди.

Масалаларни муҳофаза қилиш бўйича доимий комиссия фаолият кўрсатаётди. Баъзи туманларда «Бош архитектура» бошқармаси ва «Давархитектура» инст-пекцияси ходимлари бirliқда мунтазам равишда ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган ноқонуний қурилишларни тўхтатиш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Вилоят ҳудудларини режалаштириш лойиҳалари ва улар асосида иш-лаб чиқилган аҳоли пунктларининг истиқболли бош режалари нисбатан эскирган. Улар ҳозирги давр талаб ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда қайта ишланиши зарур. Мониторинг ишларини юритишда ҳам камчиликларга йўл қўйилган. Бу, хусусан, яқна тартибда уй-жой қурилишида бош-режа интизомининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли тавсиялар берилди.


Т.БОТИРБЕКОВ, УЗА мухбири

«БАРКАМОЛ АВЛОД»: НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ НУКУСДА!

24-29 май кунлари Тошкент вилоятида бўлиб ўтган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» республика спорт ўйинлари ўз ниҳоясига етди



Дарҳақиқат, «Баркамол авлод» ўйинлари - бу муҳим спорт тадбири бўлиб қолмади, мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли тизим умум таълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юрталари талабаларини қамраб олади. Бугунги кунда спорт ёшларга жисмонан соғлом бўлишга ёрдам бериш билан бир қаторда, уларнинг иродасини мустаҳкамлайди, ақлини пешлайди, куч ва иқтидорларини аниқ мақсад йўлида жамлаш олиш қобилиятини ривожлантиради. Тошкент вилоятида бўлиб ўтган, халқимиз орасида «Кичик олимпиада» деб ном олган ушбу спорт анжумани мамлакатимизда онги-шуури мустақиллик ҳоли билан йўғрилган, Ватанига содиқ, унинг муваффақиятларидан фахрланидиган янги, кучли ҳамда матонатли авлод вояга етаётганини яна бир бор тасдиқлади.



Мусобақалар баскетбол, волейбол, қўл тўпи, енгил атлетика, бадий гимнастика, су-


лашувларга чинакам тайёргарлик кўрганлини, кучли ирода, ғалабага, янги спорт марраларини забот этишга бўлган интилишини намойён этди. «Баркамол авлод» ўйинлари спортчилар орасидан умидли ёшларни аниқлаб, уларга катта спорт сари йўл очиб беришда муҳим омилдир. Айнан ушбу спортчилар орасидан энг нуфузли халқаро турнирлар, жумладан 2008 йилда Пекинда ўтказиладиган Олимпия ўйинларида Ватанимиз шайини ҳимоя қиладиган чемпионларнинг янги авлоди вояга етаётган бўлса, ажаб эмас.

Уйинлар дастуридан қўлаб маданий тадбирлар ҳам жой олди. Энг яхши ўзбек фильмлари намойиши, турли танловлар, мусиқа кечалари ташкил этилди. Ўзбекистоннинг узок-яқин ҳудудларидан пойтахт вилоятига ташриф буюрган йигит-қизлар таниқли ёзувчилар, спортчилар, санъаткорлар, ёшлар ҳаракати етакчилари бўлган тенгдошлари билан учрашди.

Андижон вилояти терма жамоасига энг нуфузли мукофот - Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов имзо чеккан, «Баркамол авлод» ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табрикнинг асл нусхаси топширилди.

Совриндор жамоаларнинг ҳар бири Юртбошимизнинг мусобақа голиблари учун таъсис этган совғаси - «Дамас» автомобиллари билан тақдирланди.

Мусобақалар дўстона, ҳалол ва мurosасиз беллашув руҳида ўтди. Еш спортчиларнинг чиқилари 2003 йил Андижонда ўтказилган «Баркамол авлод» ўйинларидан кейин ўтган икки йил давомида коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг спорт маҳорати анча ошганини кўрсатди. Аксарият йигит-қизлар бел-



имкониға эга бўлдилар.

Тошкент вилоятида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари юқори савияда ўтказилиши учун халқаро стандартларга жавоб берадиган 11 та замонавий спорт иншооти барпо этилди, фаолият кўрсатаётганлари эса тубдан қайта таъмирланиб, реконструкция қилинди.

Чирчиқ олимпия захиралари коллежи стадионида мусобақалар давомида порлаб турган «Баркамол авлод» ўйинлари машғулоли аста-секин пасаймоқда. Аёнага кўра, Кўёш нурларидан ёндириб олинган ушбу машғулоли ёшларимизнинг пок орзу-ниятлари, интилишлари рамзига айланди.

«Баркамол авлод» ўйинлари байроғи туширилди. Тошкент вилояти терма жамоаси уни коллеж ва лицей ўқувчиларининг келгуси спорт мусобақаларига мезбонлик қиладиган Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига топширди.

Стадионга юзлаб ёш спортчилар, болалар ижодий жамоалар вакиллари чиқиб, ўз истеъдодларини намойиш этди. Сўнгра улар навбатни Ўзбекистон санъат усталарига беришди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

А.ИВАНОВА, З.ТОШХҲАЕВ, УЗА мухбирлари

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон маркаси» филиалида янги почта маркалари тайёрланди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг элик йиллигига бағишланган ушбу маркалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

ни ўтган давр мобайнида йигирма етти мингдан ортиқ мутахассис битириб чиқди. Айни пайтда бу ерда ўн бир йўналиш бўйича бақалавр ва магистрлар тайёрланяпти.

Почта маркалари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутахассислари ва Тошкент ахборот технологиялари университети олимлари билан ҳамкорликда тайёрланган.



ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАР ЭКСТРЕМИСТЛАР ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚАТТИҚ ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

Тошкент ислом университетиде Марказий Осиё минтақасида диний экстремизм ва терроризм таҳдиди муаммоларини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия, АКШ, Португалия, Туркия, Украина, Швеция, Франция ва Марказий Осиё давлатларидан келган ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Лондон университети профессори Ширин Акнер хонимнинг Андижон воқеаларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш мақсадида 24-26 май кунлари ушбу вилоятга қилган сафарни ҳақиқати ахборотини тингладилар.

Шунингдек, баъзи хорижий матбуот ва «хуқуқпарвар» ташкилотларнинг 13 май куни ҳалок бўлганлар сони ҳақидаги уйдирмалари ҳам ҳақиқатга тўғри келмади. Чунки, чет эллик олимпиадада 20 та қабристон ҳамда тиббий муассасаларда бўлиб, қурбонларнинг ҳақиқий сони 170 га яқин экани ҳақида аниқ хулосага келган.

Ш.Акнер ўз хулосаларини мазкур воқеалар шохиди бўлган бир қанча гувоҳлар - маҳаллий аҳоли, давлат ва жамоат идоралари вакиллари ҳамда ўз ихтироига кўра ҳазонни ўташ жойига қайтиб келган маҳкумлар билан ўтказилган суҳбатларга асослангани таъкидлади. Буюк Британиялик оlima ушбу сафардан сўнг унда Андижон воқеалари ҳақида хolis тушуна пайдо бўлганини қайд этиб, ҳуқумат идораларининг вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширган зарур чораларига ижобий баҳо берди.

Бунда баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг воқеаларни «киргиз сценарий»-сига ўхшаш ҳолда тақдим этишга интиляётгани ҳам кузатишмоқда. Жумладан, Россия НТВ телеканалининг гўёки Пахтаобод туманида «намоийшлар» ўтказилгани ҳақидаги хабарлари ҳақиқатдан йироқ экани ва у ерда ҳеч қандай чиқишлар бўлмаганини маҳаллий аҳоли, жумладан, Андижон вилоят қасалхонаси бош врачининг сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Баъзи оммавий ахборот воситаларининг оқибатларини диний сабаблари ҳақида илтиляётгани ҳам кузатишмоқда. Жумладан, Россия НТВ телеканалининг гўёки Пахтаобод туманида «намоийшлар» ўтказилгани ҳақидаги хабарлари ҳақиқатдан йироқ экани ва у ерда ҳеч қандай чиқишлар бўлмаганини маҳаллий аҳоли, жумладан, Андижон вилоят қасалхонаси бош врачининг сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Эксперт фикрига кўра, бир гуруҳ қуролланган шахсларнинг Андижондаги хунрезликлари пухта ўйланган, баъзи ташки қилар томонидан қўллаб-қувватланган кўпорувчилик эканини ҳарбий қисмлар ва давлат муассасаларига қуролли ҳужум уюштирилгани ҳам тасдиқ-

лан яқин алоқалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни журнал ўқувчиларига етказган.

(УЗА)

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ, УЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ Тўғрисидаги турли фикр-мулоҳазалар Хиндистон оммавий ахборот воситалари диққат марказидан четда қолмапти. Шу маънода мамлакат сиёсий доираларида юқори мавқега эга «Mainstream» журналида эълон қилинган «Ўзбекистон: Бобур шаҳри Андижондаги тартибсизликлар» («Uzbekistan: Unrest in Bobur's City Andijon») мақоласи эътиборлидир.

Мақола муаллифи, доктор Рамаканд Диведи Ўзбекистонга кўп маънада ташриф буюрган ва мамлакатимизда амалга оширилётган ўзгаришлар кўламини, халқимизнинг урф-одатлари, аёналарини яқин танишди. Шу боис Андижонда содир бўлган во-

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ ҲИНД МАТБУОТИДА

қеалар воситасида мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнига салбий таъсир ўтказишга бўлган уринишни муаллиф куйинчаклик билан қатъий қоралайди.

Р.Диведи Фарб оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўларок ўз мақоласида диний экстремистларнинг Андижонда қалтис вазиятни юзага келтирган қабих ҳаракатларини аниқ далиллар асосида очиб ташлаган. Бунда у Ўзбекистон расмий доиралари томонидан тарқатилган маълумотларга суянади ва воқеалар ривожини хронологик тарзда келтириб ўтади. Муаллиф ушбу воқеалар ортида турган «акроним»ларнинг асл мақсадлари, жумладан, уларнинг минтақада халифат ўрнатиш нияти «Ҳизб-ут Таҳрир» ташкилоти би-

аталди. Баъзи таҳлилчилар «Лола инқилоби» айни пайтда Фаргона водийсининг Ўзбекистон қисмига ҳам ўз соясини ташлади, деган фикрни ўртага ташлашди. Лекин бундай фикрлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўзбекистон минтақасида асосий мамлакат ва қутилмаган ўзгаришлар Марказий Осиё ва унга қўшни минтақалар учун катта геосиёсий оқибатлар олиб келиши мумкин эди».

Муаллиф Андижонда содир бўлган воқеаларга нисбатан дунё мамлакат-

лари томонидан билдирилётган муносабатни таҳлил қилар экан, минтақада геосиёсий манфаатлар тўқнашувини кузатади. Бунда Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураши қатъий эканига эътиборини қаратади ҳамда Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ақсилтеррор минтақавий тизими фаолият юритаётгани ҳам бежиз эмаслигига эътибор қаратади.

«Ўзбеклар мамлакатга амалий ўзгаришлар олиб келадиган эволюцион демократик жараёнлар тарафдори. Айни пайтда Ўзбекистонда диний экстремистларга қарши кураш давом эттирилаверади.»

Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА, Дехли

Дехқонлар ҳузуриде ҲАММАСИДАН ЯХШИРОҚ - ҲАЁТГУЛИ

Маҳмуджон ҳамкишлоқлари қатори азодор хонадонини оғир таассуротлар билан тарқ этди. То далага етгунча фарзанд доғида ёқасини йиртиб, нола қилаётган оназор кўз ўнгидан кетмади.

Ишлари юришганидан доим чиганогини машинасидан чиқариб юрадиган ўқтам, тadbиркор йигитнинг шаҳардаги бузғунчиларга қўшилиб қолганини ўйлаб ўйига етолмасди. Йўлдан озганнинг қисмати шу. Мана уйига қафандан қайтиб турипти... Оиласига эмас, бутун қишлоқнинг бу қургинликдан боши эгик. Агар меҳнат кучоғида бўлганида, савобли ишларга қўл урган бўларди. Яшаш гаштини суярарди.

на ўтдан тозаланган, дуркуш ривожланмоқда эди. Шу пайт уфқ қўйидаги қора нуқтанинг тобора катталашётганини кўрди. Қулоғи тракторнинг патиллашини илғади. Ота ўғли Хамиджоннинг далага барвақ келганидан, қатор ора-ларига ишловни бошлаб юборганидан ичиде суяндиди.

Ана шу халлар билан бугдойпогга етиб келганини сезмади. Кўм-кўк осмонда чарх ураётган тўғрайларнинг «гув-гуви», чирилдоқларнинг нағмаси, тоғ чумчуқларининг «вижри-вижри» унга ҳаёт қўшиги бўлиб туюлди. Шабдада ҳосилини кўз-кўз қилиб дарзанланётган галлазордан анқийётган бўйдан баҳра олиб, чигили ёзилгандек бўлди.

Маҳмуджоннинг 20 йилдан зийд «пўлат отга» оловдорлик қилгани фермерликда қўл келди. Культиватор пичоқларини созлашда ўғлига қумаклашаркан, қатор ораларига ишловда қўчатни эҳтиёт қилишни ўқитди. Трактор кўрасини маъдани ўғит билан тўндиришда Хамиджонга ёрдамлашди. Ишлов билан ўғиллаш муҳим агротехника тadbрири экани, ўсимлик барвақ бўлиши ота-болага беш қўлдек аён эди.

Кейин ёлқасида кетмон билан галлазорни ораб кетди. Эгатларга таралган сувни қўздан ўтказди. Уқариқнинг бўзғига кетмон уриб, сувни озгина қўпайтирди.

Бироз ўтган, чайла томонда осмонга тўтун ўрланди. Кўп ўтмай, чайлада бутун оила халлананди. Бунга қалелини ўғилга чайлага тўташган бўлакнинг яганасини қўздан чиқаришга улғирган, қайноқасига нонушта қозирлашга қарашаётганди.

(Давоми 2-бетда)

ҲАММАСИДАН ЯХШИРОҚ – ҲАЁТГУЛИ


(Боши 1-бетда)
Ери боққан эли боқди, дейдилар. Қолаверса, фермерлик қони меҳнат. Трактор киролмаган жойларга ота-бола елкалаб нури ташийди. Экинзори тўқай, захкаш, лалми эмасми, киш аёзларида белгача лойга беланиб зовур чопадилар. Гўё ўчакишгандек пастликда Қорағунон сойи хайқириб оқади. Тепаликда жойлашган пахтазор билан галлазор нассослар ёрдамида сугорилди. Насосларнинг ишлашига илҳақ бўлиб, тўқайнинг хира пашшаларига таланиб, туни билан киприк қоқмай чиқишинг ўзи бўладими? Саратончиласида белбоқча фонус осиб, тонги шабнамларда ивиб гўза қатор ораларига сув тараш осон дейсизми? Бу ишларни деб, Махмуджон шифохонада ётиб ҳам чикди.

Фермер барибир далага интилиб, далани соғиниб яшайди. Осуда, хотирам ҳаёт-меҳнат гаштини кўмсайди. Тарозига ҳосил тушиб хирмонда оқ пахта кўпирганда, омборлар олтинранг бугдойга тўлганда борки захматлар кўрмагандек унут бўлади. «Ҳосил» фермер ҳўжалиги пахта-галла бўйича давлат буюртмаларини ҳар йили зиёдаси билан ўринлайди. Бурноғи йили 2 гектардан 26 центнердан, жами 5 тонна пахта етиштирилди. 1 гектар ерда 65 центнердан бугдой ҳосили олинди. Шартномадан ошқича 3 тонна галла «казноққа» тўкилди. Соф даромад-800 минг сўм ёнга қолди.

Махмуджон Расулонинг омади бор. 2004 йили чегарадош «Ойим» ширкат ҳўжалигида гектаридан 26 центнердан хирмон яратилди. Фермер ҳўжалигида эса ҳосилдорлик 28 центнерга кўтарилди. Лалми, тўқай шароитида пахта ҳосилдорлиги қўшимча 2 центнерга кўпайди. 1,5 гектар галлазордан 68 центнердан, жами 7 тоннага яқин бугдой олинди. Соф даромад 1 миллион сўмдан ошди.

Отаси Расулжон Усмоновнинг умри шўролар замонида далада ўтди. 30 йил тишли филдиракли тракторни бошқарди. Топморқа илинжида мутасаддиларнинг остоналарида отасининг неча бор саргайганлигини Махмуджон ҳозиргача надомат билан хотирлайди. Чунки ҳўжабирдек оила дўппидек ҳовлида истиқомат қиларди. На томорқа кўлга тегди, на қосаи оқарди.

Бириси комбайнинг, бириси тракторнинг рулига ўтириб, қўшни фермерларнинг оғирини енгил қиладилар. Киш фаслида обжувоз гуруллагани-гуруллаган. Ёрдамчи ҳўжалиқдан, фермерларга техника хизмати кўрсатишдан оилага ойига 100 минг сўм даромад кўшиляпти. Фермернинг 2005 йилдан умидлари катта. 1,5 гектар майдондаги бугдой пишиб етиляпти. Махмуджон 70 центнерлик марранга кўзляпти. Шунда 4 тоннага яқин галла ўзига қолади. 1,5 гектар экинзордаги гўза яғанаси эртаиндан тугалланади. Пахтадан 28 центнерлик хирмонни кўтапти. Умуман, 1,5 миллион сўмлик даромад мўлжалда бор.



Самарқанд туманидаги «Абдурауф Давронов» фермер ҳўжалиги тумандаги етакчи ҳўжаликлардан бири саналади. 1997 йилда ташкил этилган фермер ҳўжалиги тасарруфига айна пайтада 66 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, шундан 10 гектариде сабзавот экинлари парваришланмоқда. Эл дастурхонини сархил полиз маҳсулотлари билан тяминлашда барча ишловчилар бирдек жамбуллик кўрсатишяпти. Бунинг боиси улар

ўчун қатор қулайликлар яратиб берилганлигидир. Масалан, 72 нафар ишчи-хизматчиға бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Автобус ажратилган. **Суратларда: ҳўжалик раҳбари Абдуғаффор Давронов туман фермерлар уюшмаси раиси Истам Норуқов билан.**



И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

Репродуктив саломатлик

Ушбу йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши ҳукуматимизнинг тиббиётга бўлган юксак эътибори бўлиб, соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. У авваломбор тиббиётдаги ислохотларни изчиллик билан давом эттириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, инсон саломатлигини сақлашға маъсулиятни муносабатда бўлиш ва ҳаёт фаолиятини тўғри ташкил қилишдан иборат.

Президент фармойишида соғлом турмуш тарзини шахсининг камол топа бошлаш давридан сингдириш, бунинг учун зарур шароитлар яратиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса, болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишға жалб қилиш, унда жамоатчилик ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш каби вазифалар қўйилган. Барча ерда бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланди.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури аҳоли саломатлигиға бўлган эътиборнинг намунаси бўлиб, бу борада олиб борилаётган барча тадбирларни ўз ичига қамраб олган. Унинг асосий йўналишларидан бири аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан бақувват авлодни камол топтиришдан иборат. Айна пайтада ўқув маъсасалари дастурлариға саломатлик дарслари киритилган. Хусусан, Нукус марказий шифохона ходимлари «Жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти», «Қамқонлик касаллиги олдини олиш», «Она сутининг аҳамияти ва рационал овқатланиш белгилари» каби мавзуларда ўқув-семинарлар, амалий машғулотлар ташкил этишяпти. Ҳозирда шаҳарда 72 минг 927 нафар туғиш ёшидаги аёллар рўйхатга олинган бўлиб, тулик тиббий кўриқдан ўтказилди. Улардан 35 минг 983 нафари эса турли муассасаларда соғломлаштирилди. Оналлик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш ва оилани соғломлаштириш борасида маҳалларда доимий тиббий на-

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ

зорат ўрнатилди. 11 минг 838 нафар ўспирлар орасида спортни омаллаштириш, қизлар гигиенасини шакллантириш масалалариға жиддий эътибор қаратилди. Кексаларнинг соғлом ва муносиб турмуш кеңириши, пенсионерлар, ногиронлар ва алоҳида парваришға муҳтож қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш Дастурининг муҳим вазифаларидан. Уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, даволаш, ҳаракат-таънач воситалари, эшитиш мосламалари билан тяминлаш доимий назоратга олинди. 66 нафари турли санаторийларға юборилди.

Ҳўжайли туманида 144 минг 600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Хотин-қизлар соғлигини мустаҳкамлаш ва саломатликларини тиклаш мақсадида 12674 нафар аёл тиббий кўриқдан ўтказилди, 9824 нафари амбулаторияда, стационарда соғломлаштирилди. Ўспирин қизлардан 4864 нафари тулик тиббий назоратдан ўтказилди. Туманда 2003 йилдан бошлаб камқонликнинг олдини олиш бўйича ЮНИСЕФ дастури ишлаб келаётган ва мунтазам темир препаратлари бериб боришмоқда. Бундан ташқари, уруш ногиронлари, қариялар, кам тяминланган оила аъзоларига Нукус шаҳридаги ихтисослашган марказларға даволаниш учун бепул йўлланмалар берилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия қилган ДОТС дастури бўйича беморларнинг 75 фоизи қамраб олинди, улар Германиянинг (GFW) тараққиёт банки гранти ҳисобиға келтирилган дори-дармонлар би-

Ислохот мевалари БОЙСУНГА ПОЕЗД КЕЛГАЧ

Мустақиллик туғайли мамлакатимизда асрларға татигулик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимизда автомобилсозликка асос солинди. Қисқа вақт ичида Камчиқ домини, «Шўртангазим» мажмуаси ва «Навоий-Учкудук-Султон Увайистог-Нукус» темир йўли ишға туширилди. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» йўлининг эса 220 километри фойдаланишға топширилди.

Ушбу қурилишға 447,3 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Ҳозиргача бу маблагнинг 60 миллиард сўми ўзлаштирилди. Қумқўрғон-Бойсун ораларида 4 та кўприк бунёд этилди. 6 миллион кубометр ҳажмда ер-туپроқ ишлари бажарилди. Ободонлаштириш ишлари нийонсига етказилди.

Йўл ҳўжалиги ишчи-хизматчилари 2 миллион 938 минг кубометр туپроқ ишларини бажардилар. Оқова ва сел суварини бемалол ўткази оладиган кўприклар, тунеллар қурилди. Қумқўрғон, Пулхоким, Олачолон, Тангмуш, Бойсун бекатларида поезд ва вагонларнинг тўхтаб туриши, қабул қилиш ва жўнатиш учун қўшимча 6 километрдан ортиқ йўллар бунёд этилди. Натижада Қумқўрғондан «Бойсун» бекатигача бўлган масофани поезд бир соатда босиб ўтишға эришди. Бунда «Ўзбекистон темир йўллари»ға қарашли корхоналар ишчи-хизматчиларининг муносиб ҳиссаси бор. 20 тонна юк кўтаридиган 100 та янги русумдаги «МАЗ-3303», 2 та бульдозер, 20 та экскаватор ишчилар оғирини енгил қилди.

Бу ерда ишчи-хизматчилар икки-уч навбатда иш ташкил қилиб, фидокорона меҳнат қилишмоқда. Уларға маъмурият билан қасаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига асосан шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, махсус вагонларда дам олиш хоналари, ичимлик суви, душ, тиббий хизмат хонаси ишлаб турибди. Ходимлар махсус кийим-бош, иссиқ овқат, иш қуроллари билан тяминланган.

Ҳа, бугун узок йўллар яқин бўлди. Баҳор туғайли янашан дашларни, дилтортар манзарали тоғларни оралаб Қумқўрғондан Бойсунға поезд етиб келди. Эндиликда қумир, рангли металл, руда, нефт-газ, минерал бўёқлар ҳамда енгил керамзитға бой Бойсун дараларидан тиним билмай темир филдиракларнинг товуши эшитилади.

Ҳозирги кунда «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлини бунёд этишда 5 минг киши иштирок этмоқда. Булардан ташқари, қурилишға турли вилоят ва туманлардаги йўл қурилиши корхоналари, автобазалар, қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Уларнинг ниятлари бу йўлнинг учинчи босқичини ҳам ўз вақтида сифатли ва мустаҳкам қилиб фойдаланишға топширишидир.

Р. ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири

ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН
Мамлакатимизда Сихат-саломатлик йилида жисмоний тарбия ва спорт ишларига катта аҳамият берилляпти. Айниқса, ёшлар, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва улар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Сەرғели туман хотин-қизлар қўмитаси, «Махалла» жағфармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бизнес матлубот кооперативини, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар қасаба уюшма вакиллари бу йўлнинг учинчи босқичини ҳам ўз вақтида сифатли ва мустаҳкам қилиб фойдаланишға топширишидир.

М. КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Ижтимоий ҳимоя КОРХОНАНИНГ ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Бу йил ҳам Бекобод шаҳар халқ тавлими бўлими ва қасаба уюшма қўмитаси томонидан болаларни ёзги соғломлаштириш ишларига тийёргарлик эрта бошланди. Бутун эътибор ички имкониятларни тўла ишға солиб, имкони борича кўпроқ болаларни соғломлаштиришға жалб этишға қаратилди. Оромгоҳларға мос келадиган қаттиқ ва юмшоқ анжомлар етишмаслиги боис уларни топиш ҳам осон кечмади. Шундай бўлишиға қарамай, бамаслаҳат қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Бу йилги мавсумда уч босқичда 1320 нафар болани соғломлаштиришға жалб этиш режаси ўз тасдиқини топди.

Кўшимча равишда кам тяминланган оилаларнинг 700 нафардан ортиқ фарзандини бепул соғломлаштириш мақсадидаги ҳаракатлар яхши натижа берди. Шаҳардаги Ўзбекистон кон-металлургия комбинатининг бош директори А. Фармонов номиға ёзилган хатта ихлобий жавоб олинди. Мазмурият кам тяминланган оилалар фарзандлари учун ҳомийлик ёрдами ажратишға розилик берди.

Корхона томонидан ўтган йил мавсумида ҳам ана шундай хайрли иш амалга оширилган эди. Уч босқичда 180 нафар болага бепул дам олиш учун ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, уларға мактаб формаси, ўқув дарсликлари ва анжомлар совға қилинди.

Касабақўмнинг койинги ташвишлари шаҳардаги 17 та мактабдан

Данғара туманидаги «Сардортекс» маъсулияти чекланган жамият фаолияти қисқа вақт ичида эл назарига тушиб улгурди. Замонавий дастгоҳларда қалава ипдан турли-туман матолар тийёрлаётган кишлоқнинг саксон нафар аёли бир вақтнинг ўзида ҳам иш ўрниға, ҳам хўнар эгасига айланди.

Ишни бинони таъмирлаш ва ишчиларға қўлай шароит яратишдан бошладик, - дейди маъмур жамият бошқаруви раиси С. Алмасов. - Бозор иқтисодиёти шароитида иш унумдорлиги кўпроқ шунга боғлиқ. Корхонаға 42 миллион сўм сармоя киритилляпти. Замонавий дастгоҳлар сотиб олинмоқда. Йил охиригача яна юз иш ўрни яратилади.

Суратда: ишчилар Манзура Усмонова, Зухра Ёқубова ва Гулбахор Шораҳимова.



ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК

Бозор талаби қатъий. Билимдон, ташкилотчи, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон кишиларгина кўзлаган мақсадиға эришадилар.

Хозирги кунда туманимизда кўплаб кичик корхона, фирма, яқка тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишида ўз хиссаларини қўшиб келишмоқда. Бўлимизимиз вазифаси эса ана шу ишбилармонларнинг қонун доирасида ишлашини тяминлашдир. Лекин бунинг факат тадбиркорларни назорат қилиш, деб тушунамаслик керак. Аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Чунки баъзи тадбиркорлар ҳуқуқий саводи кам-

ЙИГИРМАГА ЯҚИН МАМЛАКАТГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНЯПТИ

Мамлакатимиз кимё саноатида етакчи ўрин тутадиган «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йилнинг ўтган даврида кишлоқ ҳўжалик корхоналарига 350 минг тоннадан ортиқ селитра етказиб берди.

Бирлашма таркибида Каустик сода ишлаб чиқариш заводи фаолият бошлаган, имкониятлар янада кенгайди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Германиянинг «Берлинер» банки кредити ҳисобидан ўрнатилган янги линия бир йилда 20 миллион АҚШ доллари миқдориде маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Икки юздан зиёд киши меҳнат қилаётган каустик сода заводи маҳсулоти саноат ишлаб чиқаришида муҳим аҳамиятга эга. Йилги чет элдан келтирилган бу маҳсулотға бўлган талаб Навоий вилоятининг ўзида 20 минг тоннани ташкил этади.

Завод ишчи тўшғач оқова суварини тозалаш, парасизлантириш, жумладан, металлургия, кимё саноати учун гидрхлорид, натрий ҳамда карбонат литий ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида «Тоғмас-Навоий» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси ҳам иш бошлади. Бу ерда истеъмол тузлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона жамоаси 2005 йилнинг ўзида чет элга 10 минг тоннадан ортиқ туз экспорт қилишни режалаштирган.

Бугун бирлашмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Эрон, Туркия, Қирғизистон, Буюк Британия, Украина, Нидерландия, Туркменистон каби йигирмага яқин давлатға экспорт қилиняпти.

ЭТИРОФ
Ўзбекистон-Германия дўстлик жамияти ва «Тадбиркор аёл» Республика ишбилармон аёллар уюшмаси тақлифига биноян мамлакатимиз бўйлаб сафар қилаётган германиялик бир гуруҳ ишбилармонлар Жиззах вилоятида бўлиб, хотин-қизларни иш билан тяминлаш масаласи қандай ҳал этилаётгани билан танишдилар.

Уларда «Хотин-қизларни иш билан тяминлаш бўйича 2005-2007 йилларға мўлжалланган вилоят дастури»ни амалга ошириш бўйича Галлаорол туманида олиб борилаётган ишлар катта қизиқиш уйғотди.

Меҳмонлар, шунингдек, туманда ташкил этилган халқ амалий санъати буюмлари ва нон маҳсулотлари курғазмасини кўздан кечирди. Бу ерда тадбиркор аёллар ташкил этган «Элита-Шаҳриза», «Бараканон» каби корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кашта ва зардўзлик буюмлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистонда миллий хўнармандчилик кенг ривожланаётгани амин бўлди, - дейди Бонн шаҳрилик тадбиркор аёл Дорес Каймер. - Айниқса, бу ишларға ҳукуматнинг назоратидан катта эътибор қаратилаётгани ва хўнарманд аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизға жуда маъқул бўлди.

З. ИРГАШЕВ, Шайхонхур туман прокуратораси ҳузуридаги солиқ ва валютатан оид жиноятларға қарши кураш бўлими бошлиғи ўринбосари

ҲАММА ТАДБИРКОР БЎЛАВЕРМАЙДИ

лиги туғайли ҳар хил муаммоларға учрамоқда. Яқинда бўлим ходимлари «Чорсу» бозориде ишлаётган ишбилармонлар билан уршув уюштиришди. Улар мамлакатимизда амал қилаётган қонунлар билан таништирилди. Ақилан марказлари бўлмаган алкоғол ва тамакки маҳсулотлари билан савдо қилиш, саводдан тушган нақд пуллар-

ни назорат-қасса машиналари ҳисобига киритмаслик ҳамда банк муассасаларига

Бу борадаги ишларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, со-

рустамов, Валихўжа Норхўжаевлар қатнашишди. Улар ҳозирги кунда тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни қандай қилиб ечиш йўлларини қонун доирасида тушунтириб беришди.

Хуллас, ўтказилган суҳбатлар, ўчрашувлар ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорлар томонидан қонунбузилишларға йўл қўйиш ана қаммайти. Энг муҳими, уларнинг ҳуқуқий билимлари ошди, иқтисодий кўрсаткичлари юксалиб борапти.


Қарор ва ижро

Тўлов интизоми яхшиланса таъминотда узилишлар бўлмайд

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори жойларда тўлов интизомини мустақамлашга асос бўлмоқда. Рости, илгарилари "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси томонидан қўрилган чора-тадбирларга қарамай ҳисоб-китоблар интизомининг бузилиш ҳоллари кўп учрар, бу эса тўлов мuddати ўтган дебиторлик қарзлари кўпайишига сабаб бўлаётганди. Яъни, етказиб берилган электр энергиясини ҳисобга олишининг мақбул тизими мавжуд эмасди.

Тизимдаги аҳволни тубдан яхшилаш, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, электр энергияси етказиб берувчилар ва таъминотчиларнинг шартномавий мажбуриятларга риоя этишлари учун жавобгарлиқни ошириш чора-тадбирлари қарорда алоҳида белгилаб қўйилгани ишонинг тубдан ўзгаришига асос бўлмоқда. Жумладан, "Хоразм электр тармоқлари" ошқ акциядорлик жамиятида мазкур қарор асосида амалга оширилган ишлар натижаси кўнгилдагидек бўлаётганини кўришимиз мумкин. Корхона вилоят халқ ҳўжалигининг 9 минг 500 дан ортиқ корхона-ташкилотга, маийш хизмат кўрсатиш корхоналарига электр энергияси етказиб беради. Мазкур улгуржи истеъмолчилар

мильон сўм қарзи учун реестр орқали солиқ идораларига топширилди. Биргина Урганч шаҳар электр тармоқлари корхонаси томонидан 20 та корхона 735 миллион 687 минг сўм қарзи учун солиқ идораларига тақдим этилди. Уларнинг кўмаги билан қарздорлик бирмунча камайди. Лекин, қатор йирик истеъмолчиларнинг қарзи ҳануз тўланмаётгани мўлжалланган ишларнинг амалга оширишга ҳалал берапти. Жумладан, энг йирик истеъмолчи Тўғйўйин - Урганч минтақалараро сув иншоотларидан фойдаланиш бошқармаси фойдаланилган электр энергиясидан 1 миллиард 599 миллион 900 минг сўм қарз. "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бирлашмасининг қарзи 341 миллион сўмга етган. Урганч шаҳридаги "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси эса 353 миллион 923 минг сўм



қарзи учун судга берилган. Лекин ижро масаласида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, Урганч шаҳридаги "Наврўз айёми" хусусий фирмаси бўйича 2003 йил 10 июнда 1 миллион 7 минг 380, "Хоразм ипаги" акциядорлик жамияти бўйича эса 2003 йил 25 июлда 4 миллион 143 минг 280 сўм қарзи учун суд қарори чиққан. Мана, икки йил ўтди ҳамки, суд ижросиси бу маблагларни ундирилмапти. 35 та корхона 557 миллион 503 минг сўм қарзи учун солиқ инспекциясига тақдим қилинди. Апрель ойининг ўзидан 18 та корхона қарзи мавжудлиги ёки олдиндан 30 фоиз тўловни амалга оширмаганлиги учун тармоқдан узилди. Шовотлик нурчиларнинг ҳам шижоати баланд. Бу ерда улгуржи истеъмолчилар қарзи

йил бошидаги 454 миллион сўмдан 142 миллион сўмга камайtirилган. Ҳоққада эса корхона-ташкилотларнинг 30 фоиз олдиндан тўлаган пули 245 миллион 480 минг сўмни ташкил этди. — Киш қўнарида электр энергияси таъминотидаги узилишлардан аҳоли кўп азият чекади. Одамлар билан кўп тортишиб қоламиз, дейди Ҳоққа туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Атабой Нурматов. — Аслида бу ҳолатларга биз айбдор эмасмиз. Бу трансформаторлардаги зуриқиш ортиб кетиши натижасида вужудга келади. Агар тўлов ўз вақтида бўлса, биз таъмирлаш ишларини кўнгилдагидек амалга ошириш имкониятига эга бўламиз. Ана шунда барча асабзуарликларга чек қўйилади.



Ҳа, қишда иситиш тизимлари кўнгилдагидек эмаслиги, газ босими ҳам паст бўлиши нурчилар учун катта ташви туғдиради. Шу қиш мавсумининг ўзидан вилоят бўйича 12 та трансформатор, 130 донна автоматик ажраттич ва бошқа қўлпаб ускуналар ишдан чиқди. Уларни таъмирлаш, янгиликларни сотиб олиш учун эса энг аввало, маблаг керак. Бундан ташқари, корхона олдида келгуси куз-қиш мавсумига тайёрларлик ишлари турибди. Бунда ўтган мавсумда оқлама билан ишлаган трансформаторларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда юқори қувватлиларига алмаштирилади. 1 минг 700 километр ҳаво линиялари даракдан тозаланади. Шунингдек, 63 та нимстанция ускуналари тўлиқ синовдан ўтказилиши ҳам қўзда тутилган.

Агар чирок ўчиб қолса, шам сотиб олишга пул топамиз. Лекин электр энергиядан бўлган қарзини тўлашни истаймиз. Шу йўлда эътиборингизни кўйидаги таҳлилга қаратмоқчимиз. 200 сўмга сотиб олинадиган 6 донна шам 6 соатга етгани, 100 ваттга лампочка эса 10 соатда 1 киловатт, яъни 30 сўмлик электр энергияси сарф этади. Рақамларни изоҳлаб ўтириш шарт бўлмаसा керак. Фаҳм-фаросатли инсон шунинг ўзидан ҳулоса чиқариб олаверадди. Шу боис, аҳоли ҳам, корхона-ташкилот раҳбарлари ҳам электр энергияси нақадар азиз неъмат эканини англаб етсалари, тўловларни эса ўз вақтида амалга ошириш ҳақида ўйлаб кўрсалар мақсада мувофиқ бўлади.

Н.ЮСУПОВ, "Ишонч" мухбири

"Богдоддон маҳсулотлари" акционерлик жамияти янги галла ҳосилини қабул қилишга тахт қилинди. Жорий йилда қайта ишловчилар Богдод, Риштон ва Олтиариқ туманлари ширкат ва фермер ҳўжалиқларида етиштирилган 60 минг тоннадан ортиқ қирмизи донни қабул қилиб олади. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича, қайта ишлаш корхонасида бу борадаги ишлар билан боғлиқ керакли шарт-шароитлар яратилди. Айни кунда 3 та дон қабул қилиш пунктлари тахт қилиб қўйилди. Дон сақлаш амборлари, қуришти майдонлари, тушириш ва ортиш механизмлари, тош-тарозилар, лаборатория жиҳозлари тўлиқ қуриқдан ўтказилди. Шунингдек, корхонада 5 минг тонна сара уруғлик ҳосилини қабул қилиш билан боғлиқ зарурий ишлар ҳам бажариб бўлинди. Уруғлик галла ҳосили етиштирувчи ҳар бир ширкат ва фермер ҳўжалиқларида галла уруғчилигининг аҳамияти ва экинлар ҳосилдорлигидаги ўрни борасида учрашув ва суҳбатлар ўтказилиб, уруғлик галла етиштирилган ҳар бир майдондаги ҳосил ҳолатлари кўздан кечирилди. Мавсум давомида дон қабул қилиш пунктларида бепул иссиқ оват ташкил этилади. Чойхона ва новвойхоналар узлуқсиз иш соатларида ишлайди. Бундан ташқари, 30 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар билан мавсумий ишларда иштирок этиш учун ўзаро меҳнат шартномалари имзоланди.

Суратларда: 1. Ун қоплаш цехи ишчиси Жамила Тешабоева; назорат-оператори Б.Давлатов. Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Касаба уюшма тадбири Барчага бирдек фойдали

Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан Сихат-саломатлик йилга бағишлаб аёллар спартакиадаси ўтказилди. Спартакиада иштирокчилари спортнинг волейбол, стритбол, стол тенниси, шохмат, шашка ва энгил атлетика турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Мусобақаларда барча тармоқ касаба уюшмалари вакилларидан 300 нафардан ортиқ аёллар қатнашди. "Сихат-саломатлик йили" Давлат дастуридан белгиланган вазифаларни изчил бажариш, жойларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган аёллар соғлигини мустақамлаш, қўлаверса, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш айнан шулар спартакиададан қўзда тутилган асосий мuddао эди. Қизгин курашлар остида ўтган бешашуварлар иштирокчилар ва муҳлисларда чўқур таассурот қолдирди. Спортчи аёллар эңчилик, кўчилик ва наққонликда ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Мусобақалар якунига қўра умумжамоа ҳисобидаги баҳсларда

голиблик соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши жамоасига насиб этди. Кейинги ўринларга таълим ва фан ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашлари вакиллари сазовор бўлишди. Алоҳида турлар бўйича натижалар қўйидагича бўлди: шохматда Шарифхон Бердиева, шашка бўйича З. Нуруллоева, стол тенниси баҳсларида 24-35 ёшлилар ўртасида Феруза Мухсинова ва 35 ёшдан юқори спортчилар ичида Гулнора Шаронова мутлақ галабга эришдилар. Стритболчилар ва волейболчилар ўртасидаги мусобақаларда илдамликни таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши жамоаси қўлга қиритган бўлса, энгил атлетика тури бўйича эса биринчи ўринга соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши спортчилари муносиб топилди. Қолиб ва совриндорлар вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо эсдалик соғвалари билан тақдирланди. Т. ЭШТЎХТАРОВ

ТАМАКИГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

"Хамма нарсанинг қушандаси ўзидан чиқади". Бу иборанинг қанчалик тўғрилигини инсонларнинг ўз-ўзига етказиб қўйган зарардан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Мисол учун чекиш. Унинг инсон организмига нақадар зарар бoшқача айтганда, "ўпка қушандаси" эканлигидан хабаримиз бор. Бугунча соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотларига қўра, тамаки тутуни таркибидан инсонни абгор қилувчи 400 хил модда мавжуд бўлиб, улар ичида никотин энг хавфлиси ҳисобланади.

Тамаки сўлак безладини яллиглантириб, унинг меъридан ортиқ ажралишини кучайтиради. Бундай пайтда чекувчи кўп тупуради, уни ютиб ҳазм йўллари таъсирини оширади. Ютилган сўлак таъсиридаги никотин меъданин шиллик пардасини шикастлантиради ва организмга инфекция олиб қиради. Бу ҳолатлар гастрит ривожланишига ҳамда бемор ошқозон соҳасида оғриқ пайдо бўлишига олиб келади. Чеккандан 15 дақиқа ўтгач, ошқозоннинг қисқариши тўхтайдди, овқатнинг ҳазм бўлиши бир қанча вақтга кечикади. Кўпчилик кашандалар овқатдан сўнг чекиб, ошқозон фаолиятини янада қийинлаштиради. Чекиш маълум микдорда очлик ҳиссини пасайтиради. Бу эса қанда қанд микдори ошиши ҳисобига юзага келади. Бир неча мактабларда ўтказилган қузатувлар шунини кўрсатадики, қоққ ўқувчиларнинг кўпчилигини чекувчи ёшлар ташкил этади. У ўз тенгдошларидан нафақат руҳий, балки жисмоний ривожланишда сезиларли даражада орқада қолади. Қоннинг кислород билан тўйинмаслиги, моддалар алмашинувининг ва витамин С ўзлаштириши, мия фаолиятининг бузилиши, умуман қобилиятнинг сусайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам чекувчи ёшлар спорт билан мумтазам шуғулланиш имкониятидан ўзларини маҳрум этиб қўядилар. Сўнгги 20 йил давомида БЖССТ тамаки истеъмол қилиш глобал эпидемияга айланиб қолганини кўрсатмоқда. У бутун оламни қамараб олинмоқда ва чекувчилар сони йил сайин ортиб борапти. Айни пайтда ер юзи аҳолисининг ўздан бир қисмини 15 ёшдан катта бўлган чекувчилар ташкил этади. Тахминларга қўра, 2020 йилда чекиш Европа ва Америка қитъаларидан ривожланаётган мамлакатларга кўчади. Чунки бу икки йирик қитъада охириги 20-30 йил давомида чекишга қарши фаол сийсат олиб бoрилмақда. Ф. ҚУВОНОВА тайёрлади

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда

Касб-хўнари таълими тизимида чўқур билимли, бoзор иқтисодиёти шароитида ҳунар ва иш кўникмаларини эгаллаган ёшларни тайёрлашга йўналтирилган муҳим давлат сийсатини амалга оширишдек улкан вазифа турибди. Соҳага жаҳон андозаларига мос амалий тажрибалар кириб келаётгани қувонарлидир.

Мамлакатимизда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни ҳаётга таътиқ этиш бориб, Чортоқ туманидаги 18-касб-хўнари мактаби 2001 йилда педагогика коллежига айлантирилди. Дастлабки ўқув йилида 362 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган бўлса, бугунги кунда билим максадида 5 та йўналиш бўйича жами 1351 нафар ўғил-қиз қамраб олинган. Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида ташкил этилган коллежда бўлгуси муаллим-тарбиячиларга 186 нафар етук малакали ўқувчи илм ва касб сирларидан сабоқ бермоқда.

Коллежда ўқувчиларнинг ҳар томонлама чўқур билим олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда бу ерда замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган фан кабинетлари, кутубхона, ошхона, ёшлар саройи, тиббиёт шохобчаси, компьютер, спорт-соғломлаштириш хоналари фаолият кўрсатапти.

Билим максадида ҳар бир ўқувчининг самарали билим олиши ва бўш вақтдан умумий фойдаланишлари учун 29 та фан тўғараклари мунтазам ишлаб турибди, дейди коллеж директори З.Рахимов. — Иқтидорли ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг ижодий изланишлари учун ҳам шартнозалар мўхайё этилган. Натижада ана шундай билимдон ўқувчилардан 12 нафари вилоят, 2 нафари эса республика

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш борасида ҳам коллежда талайгина ишлар қилинди. Бунинг натижасида ўқув масканида 5 нафар республика чемпиони етишиб чиқди. Жумладан, 2003 йилда Андижонда ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида коллеж талабаси Рустам Разақов бoкс бўйича ўз вази тоифасида мамлакат чемпиони бўлди. Утган йили ўсмирлар ва қизлар ўртаксида белбоғли кураш бўйича бўлиб ўтган республика биринчилигида Умид Мирзаев олтин медалини қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасида Икбола Мирзаева кумуш медал эгасига айланди. Шунингдек, Кўқон шаҳрида Р.Рисқиев соврини учун ўтказилган бoкс мусобақасида И.Қамолитдинов голибликни қўлга қиритди. Коллеж тарбияланувчилари спортнинг волейбол, футбол, энгил атлетика, стол тенниси, кураш турлари бўйича нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрий ўринларни эгаллашмоқда. Тошкент вилоятида ўтказилган "Баркамол авлод" мусобақаларида коллеж ўқувчилари жами 14 спорт тури бўйича иштирок этди.

Мураббий ва ўқувчиларни ижтимоий-иқтисодий жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор бoрилмақда. Утган йилда 42 нафар ўқувчига 1035 минг сўмлик, 3 нафар ота-онаси ўқувчига 2824 минг сўмлик, 54 нафар кам таъминланган оила фарзандларига 275 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

О.ЭРГАШЕВ, "Ишонч" мухбири

"Ишонч" фoш этади

Кўргонтепа шаҳар Р.Қори қўчасида яшовчи Маҳфузахон Тожибоева ишбилармонлиқни ўз қаричи билан ўларди. Жарақ-жарақ ақча топишни, қасрсифат иморатлар қуришни, қoра қўзoйнақлар тақиб лимузинларда савлат тўқини хаёл қиларди. Шу ниятда ҳoқимликнинг тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекциясига қадам ранжида қилди. Одамнинг оласи ичида деганларидек, ҳужжатлар расмийлаштирилётганда кўнгилдагиларини пинхон тутди. Солиқ қонунчилигига амал қилиш, янги йш ўринларини яратиш, маҳалладoшларининг оғирини энгил қилиш ҳақида ваъдалар берди. Унга дўкон қуришга рўхсат этилди, бу юмушлар ниҳoсига етгунча буюм бoзоридан савдо-сотик қилиш учун маҳсул жой ажратилди. Аммо қўли пул кўриб, чўнтаги қаппайгач, юрагининг тубида шўхали режалар гимирлай бошлади. Енгинасидаги ҳамкасблари савдо тўшумларини назорат-касса машиналаридан ўтказиб, банклар орқали айлантириб бinoий-идек рўзгор тебратишаётгани ҳам уни инсофга келтирмади.

Маҳфузахон қингир йўллар билан даромад топиш йўлига ўтди. Гоҳ истеъмолга яроқсиз, мuddати ўтган озиқ-овқат молларини энг учинда пуллар, гоҳ торозидан урар, гоҳ акциз маркаси товарлар билан савдо қиларди. Туман давлат солиқ инспекциясининг ходимлари Абдураҳим Қодиров ҳамда Мансуржон Мухаммадиновлар хўшёрлиги зoе кoтмади. Улар томонидан "чаққон" тадбиркор устидан назорат-касса машиналаридан фойдаланиш тартибини бузганлиги бўйича далoлатнома тузилди. Шу билан бирга қонунбузарликка оид жиноий иш кўзга-тилди.

Абдулла Абдукаримов ҳам ишбилармонлиқни ниқoб қилиб солиқ қонунчилигини писанд қилмай, текин даромадга ружу қўйганлардан. Епилиқ қoзoн ёпилиқ қолади, деган қoра ниятда ўзи яшаб турган "Савай" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Ёшлик қўчасида ўзбoш-имчалик билан қўлбoла тегиримон курди. Унга яширичча электр тармоғини улади. Аҳолидан қабул қилинган бугдойни қайта ишлаб ун ишлаб чиқара бошлади. Бунинг учун олдин тибий қўриқдан ўтиш, маҳсулотининг истеъмолга яроқлиги, ишлаб чиқаришдаги техника хавфсизлиги қoидаларига риоя қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳoқимликнинг рўхсатномасини олиш ҳақида ўйлаб ҳам

кўрмади. Ҳoлбуки, «Кичик ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонунда хусусий фаолият юритадиган яқра тартибдаги жисмоний шахсларга барча имтиёзлар яратилган. Чунoнчи, давлат томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қoнуний манфаатларини қафолатлаш, эркин рақoбат учун шарт-шарoит яратиш, молиявий кўмак олиш қoнунда белгилаб қўйилган. Бироқ Абдуллажон ўз билганидан қoлмади. Пинхона цехлардан кeлаёт-

СОЛИҚ ФИРРОМЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

ган даромадни солиқчилардан яширди. Солиқчилар ахволдан хабар топишгач, уни оғoҳлантирдилар. Солиқ талаблари бўйича фаолият юритилиши, зарур меъёрий ҳужжатлар тайёрланишида амалий ёрдам бeрилишини тўшунтирдилар. Лекин Абдуллажон инсофга кeлмади. Хуфёна тегиримон гуриллаб ишлавиерди. Шу йилнинг 8 феврал кунини солиқ идораси ходимлари Р.Исмоилов ҳамда Н.Имонқуловлар томонидан ўтказилган қисқа мuddати текширув натижасида тегиримон хатлибди, ундаги техника ва жиҳозлар давлат фойдасига мусoдара қилинди.

Соҳил қўча, «Янги чек» маҳалласида умргузoрoнлик қилувчи Зайнабхон Ҳакимова «ўзгани қўй, ўзингини бил» дейдиган «ишбилармонлар» тоифасидан. Истеъмолга яроқлигининг тaйини йўқ, сертификатсиз озиқ-овқат моллари, рўзгор буюмларини арзонга харид қилиб, қиммат сoтишни касб қилиб олган. Назорат-касса машинасидан фойдаланиш, савдо-сотик ҳуқуқини бeрyчи рўхсатномадан гап очсангиз, бoҳoнани уoб ташлайди. 2005 йилнинг 5 февралда текширишлари мувофиқлаштирувчи назорат идоралари вакиллари билан биргаликда ўтказилган рейдлар исзиез кoтмади. Ҳужжатсиз, рўхсатномасиз 45 минг 950 сўмлик товар моддий бойликларини пуллаётган олгир тадбиркор қўлга тушди. З. Ҳакимова Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта бизнес субъектларини солиққа тортишни тақомиллаштириш, бoзoрларда савдо-сотикни ривожлантириш тўғрисидаги қарорини бажаришдаги фaйри-

С.РЎЗИМАТОВ, "Ишонч" мухбири

ВАТАНИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

МИЛЛИЙ КУРАШ

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» дея номланган уч бугунги спорт тизими бугун юртимиз ўғил-қизларининг энг сеvimли, энг нуфузли спорт анжуманларига айланиб улгурди. Негаки, узлуксиз равишда ташкил қилинаётган ушбу спорт мусобақаларида ёшларимиз жисмонан чиниқиб, маънан етуқликка эришмоқдалар. Колаверса, беллашулар дўстлик, ҳамжихатлик, нафосат ва ёшлик байрами ўларок кўзга ташланмоқдаки, аини шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Этироф этишларича, ҳозирги пайтда хорижий мамлакатларда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилади. Бирок ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишнинг бундай тизими жаҳон тажрибасида ҳали қузатилмаган. Бундай механизм илк мартаба Ўзбекистонда асос солингани ва у изчиллик билан амалга оширилаётганлиги эса

ётди. Олти кун давом этган мусобақаларда республика ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларининг 2170 нафар ўқувчи ёшлари жисмоний тарбия ва мурасасиз баҳс олиб боришди. Энг оммавий 13 та спорт тури бўйича ўтказилган беллашулар натижасига кўра 134 тадан олтин ва кумуш медалларини кўлга киритишди. Улар жами бўлиб 132 та медал жамгарган ҳолда бу борада яқна пешқадам бўлишди. Андижон вилояти вакиллари 14 нафари мусобақа голибига айланди. Шунингдек, андижонликларга 15 та кумуш ва 14 та бронза медали ҳам топширилди. Тошкент вилоятидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган спортчи ёшлар кўксини эса 11 та олтин, 72 кумуш ва бронза медали безади.

Умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти жамоаси энг кўп - 201,5 очко тўплаб, «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларининг голибига айланди. Тошкент шаҳри ёш спортчиларига иккинчи ўрин насиб этди. Мезбонлар эса учинчи ўрин билан кифояланди. Таъкидлаш лозимки, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари жамоа-

лари бу галги мусобақаларда сезиларли юксалишга эришиб, умумий ҳисобда еттинчи ва саккинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

«Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларида голиб чиққаннимиздан бағоят хурсандмиз, - дейди Андижон вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Фозилжон Асроров. - Айтиш жоизки, мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Бунинг учун спортчи ёшларимизга барча шарт-шароитларни яратиб бердик. Натижада, гувоҳи бўлганингиздек, вакилларимиз деярли барча спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда кўтаринки қайфиятда қатнашди.

Дарвоқе, «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларини юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун ташкилотчилар томонидан кенг кимовли тайёргарлик ишлари олиб борилди. Катнашчиларнинг мусобақалардан бўш вақтлари кўнгилли ўтказиш



этибор қаратилди. Ҳақамлар мусобақаларни одилона бошқариб бордилар. Яна бир гап. Спорт ўйинлари мамлакатимиздаги

тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Совринли ўринларни эгаллаган жамоаларга Президент савғаси - «Дамас» автомашиналари тақдим этилди. Сўнг мусобақа байроғи Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига топширилди. Демак, хайр Тошкент вилояти, салом Қорақалпоғистон!

Тадбир охирида «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинлари маънаси ўчирилди. Мусобақа қатнашчилари - ёш спортчилар, мураббийлар бу жараёни юракда ўзгача бир орзиқиш, ҳаяжон, ҳатто кўзда ёш билан қузатиб турдилар. Ҳа, «кичик олимпиада» машъаласи ўчди, лекин ёш юракларда унинг ёрқин ўчқуни умрбод қолди. Бу ўчқун Ўзбекистон келажаги бўлиши ёшларимизни эрта-индин янги зафарлар, галабалар сари ундаши турган гап.

Камол Оллоёров, «Ишонч» муҳбири



ниҳоятда қувонарлидир. Уч бугунги спорт тизимида «Баркамол авлод» мусобақалари ўзига хос нуфузга эга. Зеро, «Умид ниҳоллари»да қатнашиб, спортнинг у ёки бу турига меҳр кўйган ўқувчи ёшлар аини шу мусобақаларда янада чиниқиб, маҳоратини оширади. «Баркамол авлод» спорт ўйинларидан эса «Универсиада»га йўл олинади.



Пойтахт вилояти шаҳар ва туманларидаги бир қатор замонавий, мухташам спорт иншоотларида бўлиб ўтган «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинлари ниҳоясига



мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашулар, концертлар уюштирилди. Ёш спортчилар жойлашган ҳар бир манзилда кутубхоналар ташкил қилинди. Спорт майдончалари ўғил-қизларимиз хизматида бўлди. Колаверса, беллашуларнинг ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтишига ҳам катта

150 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилди. Мусобақа муносабати билан интернет тармоғида очилган сайт саҳифасига 15 дан ортиқ хорижий мамлакатлар вакиллари мурожаат қилдилар.

Мусобақанинг сўнгги кунини «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларининг



БЕЛБОҒЛИ КУРАШ	
1-ўрин	Андижон вилояти 15 очко
2-ўрин	Фарғона вилояти 13 очко
3-ўрин	Наманган вилояти 12 очко

БАДИЙ ГИМНАСТИКА	
1-ўрин	Тошкент шаҳри 15 очко
2-ўрин	Хоразм вилояти 13 очко
3-ўрин	Андижон вилояти 12 очко

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА	
1-ўрин	Тошкент шаҳри 15 очко
2-ўрин	Андижон вилояти 13 очко
3-ўрин	Тошкент вилояти 12 очко

СУЗИШ	
1-ўрин	Тошкент шаҳри 15 очко
2-ўрин	Тошкент вилояти 13 очко
3-ўрин	Андижон вилояти 12 очко

БАСКЕТБОЛ	
Қизлар	
1-ўрин	Фарғона вилояти
2-ўрин	Хоразм вилояти
3-ўрин	Андижон вилояти

ВОЛЕЙБОЛ	
Қизлар	
1-ўрин	Фарғона вилояти
2-ўрин	Хоразм вилояти
3-ўрин	Андижон вилояти

ШОҲМОТ	
1-ўрин	Тошкент вилояти 15 очко
2-ўрин	Навой вилояти 13 очко
3-ўрин	Андижон вилояти 12 очко

СТОЛ ТЕННИСИ	
1-ўрин	Тошкент шаҳри 15 очко
2-ўрин	Фарғона вилояти 13 очко
3-ўрин	Самарқанд вилояти 11,5 очко
3-ўрин	Хоразм вилояти 11,5 очко

ҲАЙРАТЛАРГА ТўЛА ДУНЁ

Яқин санъат асари чегара билмайди. Хоҳ у кино бўлсин, хоҳ у спектакл бўлсин дунё кезади ва айтиш мумкинки, дунё халқларида илк таассурот уйғотади. Бундай эҳтиромга сазовор бўлиш учун асарнинг сифатига, мазмун-моҳиятига катта эътибор бериш лозим. Бу маъсулиятни режиссёр ўз бўйига олади.

Ана шундай режиссёрлардан бири - Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳкам Муҳамедовнинг 70 йиллик юбилей кечаси Тошкент давлат санъат институтининг маданият саройида бўлиб ўтди. Кечанда Маҳкам Муҳамедов билан бирга театрда, кинода фаолият юритган ҳамкасблари, ҳозирда институтда ёшлар туриб ишлаётган профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этишди. Юбилейда сўзга чиққанлар режиссёр М.Муҳамедов томонидан яратилган «Меҳробдан чаён», «Кўнгил кўчалари» ва бошқа асарлар ҳақида гапириб ўтишди.

Эркин Усмоновнинг «Ҳайратларга тўла дунё» деб номланган китоби Маҳкам Муҳамедовнинг ҳаёти ва жодага бағишланган. Ана шу асарнинг илк нуқсаси муаллиф томонидан тадбир кечасида режиссёрга топширилди. Байрам тадбирида танили санъаткорларга ҳамнафаслик қилган институт талабалари чиқишлари ҳам барчани хушуд этди.

А. ҒРБЕКОВ,
«Ишонч» муҳбири

ОТАГА ҚўЛ КўТАРГАН ЎҒИЛ

Боланинг ўз отасига қўл кўтаришини «ҳазм» қилиш қийин. Зеро, ота улуг, унинг қарғиши эса тошни ёради.

Қарғиш кўп. Қарғиш олган ҳам. Шу ўринда Кенжа Остонов ҳам мабодо ёшлиғида ўз падаридан: «Фарзандингдан қайтсин», - деган сийловни олмангмикан, деб ўйлаб қолсан киши. Ахир, олма тағига олча тушмаслиги бор гап-да!

Ҳақли савол туғилиши табиий. Хўш, Шавкатнинг бундай ваҳшийлик қилишига, ўз отасини ўлдириб даражасига етишига ва уни ўз қонига булғаб катта кўчага ўлим ҳолатида ташлаб кетишига ундаган куч нима? Жавоб бериш эса нафақат отасига таъқ қўтарган ўғил учун, балки воқеага ҳолис фикр билдиришни мақсад қилиб қўйган биз учун ҳам оғирлик қилади.

Келинг, воқеага вояга етмаган судланувчи Шавкат Мама-райимовнинг берган кўрсатмалари асосида ойдиллик киритайлик.

Ўша кун, ўша машъум воқеа содир бўлишдан бироз олдин Шавкат уйига қайтаётган эди. Шунда қўшниси Дилмурод унинг олдидан чиқиб, «уйингга дадан келиб онангни уриб кетибди», - дейди ваҳима аралаш ва бу билан ўз

дани қўриб Шавкат ҳам бирдан даҳшатга тушиб, отасини ўз холига ташлаб қочиб қолади. Хайрияти унинг юрағида қўрқув хали ўлмаган экан. Акс ҳолда у бир умрга ўз отасининг қотили, падарқуш, деган ном билан яшашга ўз-ўзини ҳукм этган бўларди.

Фарзанднинг ўз отасига қўл кўтариши, бу авваламбор отанинг фожеаси. Сабаби оддий, у ўзи дунёга келтирган фарзандига оталик меҳрини бера олмади. Вояга етмаган фарзанднинг ўз отасини қатлаб жиноятга қўл уриши - бу,

Иснод

колаверса, мактабнинг, маҳалланинг фожеаси. Мактабга ҳам, маҳаллага ҳам улар етиштирган «мева»ларига қараб баҳо беришди. Ҳеч бир истиснозсиз айтиш мумкинки, ушбу воқеада маҳалла томошбинлик қилди. Тўғри, фарзанд Шавкат қилмишига яраша жазосини олди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлиб турган кўни-қўшнилари ҳам юзи шувут. Ана шу лойқадлик авазига энди улар - «Фалон мактаб ёки маҳалладан отабезори чиққан» деган заҳарханда сўзларни эшитиб юришларига тўғри қолади.

Мана бу қўшиқ сўзларига эътибор қилинг-а:

*Отага тош отма, нийонинг сақла,
Фарзандан, сен дом бурчингга оқла,
Отанга тош отсанг, кун қолиб бир кун,
Фарзандинг сенга тош отмагунки...*

Абдуваҳоб ХУДОЙБЕРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Арнасой туман суди раиси,
Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

БОЛАЛАР РАСМЛАРИ

Наманган шаҳар болалар ижодий марказида расм чизиш бўйича ўзига хос танлов бўлиб ўтди.

Унда соғлиғида турли нуқсонлар бор болалар қатнашди. Танловни вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармасининг вилоят бўлими ва вилоят халқ таълими бошқармаси ташкил этди.

Янгиқўрғон туманидаги 9-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Аязамжон Тўлабоев танлов голиби деб топилди. Унга соврин, қолган иштирокиларга эса эрдлик совғалар топширилди.

(ЎЗА)

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Риҳсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқиб бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.20

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г - 314 1 2 3 4 5 6